


Ҳаёт режангизни ёзганмисиз?



12:17 / 27 март 1186

Мўмин учун энг катта неъматлардан бири унинг вақти, умридир. Агар олдига аниқ, қатъий мақсад қўймаса, ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди.

Мўмин киши кунлик, ҳафталик, ойлик, йиллик, хуллас бутун умрини режалаб олиб, шу асосда ҳаракат қилса, вақтига барака, мазмун киреди.

Айримларда мутлақо режа бўлмайди ва нима қилишини билмай, бошқалар режаси асосида яшаб, уларнинг режаларига хизмат қилади.

Аслида ҳамманинг ўзига яраша келажақда бажариши лозим бўлган юмушлари, эришишни кўзлаган орзу-мақсадлари бор. Лекин кўпчилик уларни тартиблаб, муҳимларини қайдлаб ёзиб чиқмаган. Шунинг учун ҳам, атрофидагиларга қаттиқ боғланиб қолган ва улар таъсиридан ташқарига чиқолмайди.

Режани қандай тузиш керак? Аввало киши жисмоний, руҳий, иқтисодий, оилавий ва ижтимоий имкониятларини чамалаб, қилиши мумкин бўлган ишларни белгилайди. Бу борада устозлар, ота-онаси ва илми, ҳаётини катта тажрибага эга муваффақиятли кишиларнинг кун тартибларини ўрганиш, имкон бўлса, улар билан фикр алмашиб, маслаҳатларини олиш ва шулардан келиб чиқиб қиладиган ҳар бир ишни вақтлар кесимида ёзиб чиқиш керак.

Айтилганидек, «Орзулар ёзиш билан мақсадга айланади». Ёзилган мақсад эса кишини огоҳлантириб, дангасалик қилмай ва бўшашмай олға интилишга ундайди.

Мақсадларни маълум вақт билан чегаралаб олиш ишларни «эртага қиламан», «индинга бажараман» деб ортга сурмай, ўз ўрнида бажариш лозимлигини эслатиб туради.

Доимий режа асосида қилиб бориладиган иш вақт ўтиши билан ўз самарасини беради.

Бу ҳақда кўп ёзиб ўтирмай, уламоларимиз режаларидан биргина намуна келтирсак кифоя:

Шайх Ёрқинжон домла раҳимаҳуллоҳ ҳар куни яқин шериклар билан камида 100 бет китоб ўқишни, бир йилда 1000 та, ўн йилда эса 10000 та китоб ўқишни режа қилган ва шунда бардавом бўлган эканлар. Бу миқдор мустақил китоб ўқишлари ва таълифларидан ташқари.

Шу каби илмда, касб-ҳунарда ва бошқа ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришган кишилар ҳаётига назар ташласангиз улар ўз олдига юксак мақсад қўйиб, қадриятларини белгилаб, мана шу асосда ҳаракат қилганларини кўрасиз.

Албатта, ҳаммаси Аллоҳ таоло битиб қўйганидек бўлади. Биздан сабабларни қилиш ва ҳаракат талаб этилади. Натижа эса Аллоҳдандир. Мақсадларни ёзиб, бор кучимизни сарфлаб унга эришолмасак ёки умримиз етмай қолган тақдирда ҳам қилган яхши ниятимиз ва ҳаракатимиз учун ажр оламиз, иншаАллоҳ.

Муҳаммад Зариф Муҳаммад Олим тайёрлади.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.